

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.03/10.12.2019.I.16.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВ ШЕРЗОД ХОЛМИРЗАЕВИЧ

БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Муминов Шерзод Холмирзаевич

Бозор механизмлари асосида сув хўжалиги тизимини молиялаштириш методологиясини такомиллаштириш..... 3

Муминов Шерзод Холмирзаевич

Совершенствование методологии финансирования системы водного хозяйства на основе рыночных механизмов..... 39

Muminov Sherzod Kholmiraevich

Improvement of the methodology of financing water management system based on market mechanisms..... 75

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 81

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.03/10.12.2019.I.16.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВ ШЕРЗОД ХОЛМИРЗАЕВИЧ

БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Iqt244 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Бурханов Ақтам Усманович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Гулямов Саидахор Саидахмедович**
иқтисодиёт фанлари доктори, академик
Олимжонов Одил Олимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Тошмуродова Бувсара Эгамовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-71, факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tsue@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-71, факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tsue@tsue.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

С.К. Худойкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида 1980 йилдан бошлаб сувдан фойдаланиш даражаси йилига тахминан 1%га ўсиб бормоқда ва бу тенденциянинг 2050 йилгача ҳам шу даражада бўлиши кутилмоқда, бу эса мавжуд ҳолатга нисбатан 20-30% кўп демакдир¹. Ҳозирда дунё бўйича фойдаланилаётган сув ресурсларининг деярли 70%и қишлоқ хўжалигига тўғри келмоқда, қурғоқчил давлатларда эса 90% ва ундан ортиқни ташкил қилмоқда². Бундай шароитда ривожланаётган мамлакатларда сув хўжалиги тизимини давлат томонидан бошқариш ва молиялаштириш сиёсати мамлакатда камбағалликни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий манфаатдорликни таъминлаш воситаси бўла олмаяпти ва аксинча, экологик мувозанатнинг ёмонлашишига олиб келмоқда³. Бу эса, сув хўжалиги тизимини самарали бошқариш ва барқарор молиялаштиришда давлатнинг рағбатлантирувчи воситалари билан бир қаторда, бозор механизмларини кенг жорий қилиш кераклигидан далолат беради. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон миқёсида 2050 йилгача умумий сув хўжалиги тизими учун 22,6 трлн. АҚШ доллари⁴, бевосита ирригация тизимларини яхшилаш ва кенгайтириш учун эса биргина ривожланаётган мамлакатларнинг ўзида 960 млрд. АҚШ доллари⁵ миқдоридаги маблағлар талаб қилинади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида сув хўжалиги тизимини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш билан бир қаторда, сув хўжалиги ташкилотлари харажатларини сув истеъмолчилари томонидан қоплашнинг молиявий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш, соҳани молиялаштиришга хусусий капитални жалб қилиш ва сув хўжалиги активларини хусусий сектор томонидан молиялаштириш механизмларини амалиётга жорий этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари кенг қўламда олиб борилмоқда. Бу борада, суғорма деҳқончиликда қўшилган қиймат занжирини шакллантириш ёндашуви асосида сув хўжалиги тизими харажатларини қоплашнинг бозор механизмлари ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармон ва қарорлари⁶ билан сув хўжалиги тизимини молиялаштиришда бозор

¹ Burek P., Satoh Y., Fischer G., Kahil MT., Scherzer A., Tramberend S., Nava LF., Wada Y. Et al. 2016. Water Futures and Solution – Fast Track Initiative (Final Report). IIASA Working Paper. IIASA, Laxenburg, Austria: WP-16-006. P. 88.

² WWAP (UNESCO World Water Assessment Programme). 2019. The United Nations World Water Development Report 2019: Leaving No One Behind. Paris, UNESCO. ISBN 978-92-3-100309-7. P. 202.

³ Gurria A., Hofwegen P. Task Force on Financing Water For All - Report 1. Enhancing Access To Finance For Local Governements - Financing Water For Agriculture. World Water Council. 2006. ISBN: 92-95017-12-9. P. 61.

⁴ Winpenny J. Water: Fit to Finance? Catalyzing National Growth through Investment in Water Security, report of the High Level Panel on Financing Infrastructure for a Water-Secure World. World Water Council. 2015. P. 127.

⁵ Schmidhuber J., Bruinsma J. & Boedeker G. Capital requirements for developing countries' agriculture to 2050, FAO, Rome. 2009. P.21.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4486-сон Қарори. www.lex.uz

механизмларини босқичма-босқич жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ваҳоланки, сув хўжалиги тизимида суғориш суви қийматини аниқлаш, тариф ва тўловларни белгилаш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш мезонлари, воситалари, шаклланиш жараёнлари, соҳани молиялаштиришга хусусий секторни жалб қилиш билан боғлиқ изланишлар халқаро нуфузли ташкилотлар ва илмий-тадқиқот институтлари томонидан кенг амалга оширилмоқда ҳамда натижалари амалиётга самарали жорий этилмоқда.

Мамлакатимиз сув хўжалиги аҳолини тоза ичимлик суви билан барқарор таъминлаш, жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган саноат тармоғини сувга бўлган талабини қондириш, қишлоқ хўжалигида манфаатдорликнинг ҳал қилувчи бўғини ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: «ҳаражатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш», шунингдек, «суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш»⁷ борасидаги вазифалар аниқ қилиб белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши бозор тамойиллари ва механизмлари асосида Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги тизимини молиялаштириш тартибини тубдан такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. www.lex.uz

маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁸. Бозор механизмлари асосида сув хўжалиги тизимини молиялаштириш масалалари бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, The Hebrew University of Jerusalem (Исроил), The University of California (АҚШ), The University of Minnesota (АҚШ), New Mexico State University (АҚШ), Cranfield University (Буюк Британия), Institut de Recherche pour le Développement (Франция), «Олий иқтисодиёт мактаби» Миллий тадқиқотлар университети (Россия), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (Ўзбекистон Республикаси), Тошкент давлат иқтисодиёт университети (Ўзбекистон Республикаси) томонидан амалга оширилмоқда.

Бозор механизмлари асосида сув хўжалиги тизимини молиялаштириш масалалари бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий-тадқиқотларда қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: иқтисодиёт тармоқлари бўйича сувга бўлган талаб, сув нархи, хусусан, суғориш суви нархи ва етказиб бериш қийматини аниқлашнинг илмий-услубий жиҳатдан асосланган (The Hebrew University of Jerusalem, Исроил); сувга мулк ҳуқуқини бериш орқали сув бозорлари шаклланиши, сув хўжалиги ташкилотларининг операцион харажатларини камайтириш ҳамда сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг иқтисодий воситалари асосланган (The University of California, АҚШ); сув хўжалиги активларига инвестициялар киритиш жозибадорлиги, субсидиялаш, сувга бўлган ҳуқуқни белгилаш, суғориш суви нархларига нисбатан бозор механизмлари ёндашувлари асосланган (New Mexico State University, АҚШ); сув хўжалиги тизими ва активларини самарали молиялаштиришнинг энг муҳим иқтисодий воситаси сув қиймати, нархи, сув етказиб бериш учун тўловлар эканлиги асосланган (Institut de Recherche pour le Développement, Франция); сув тарифининг сув тежовчи технологияларни жорий этишга таъсири ва тўлов қобилияти паст сув истеъмолчиларини субсидиялаш механизми асосланган («Олий иқтисодиёт мактаби» Миллий тадқиқотлар университети, Россия); сув хўжалиги инфратузилмаларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ёки қуриш механизмлари асосланган (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Ўзбекистон Республикаси).

Жаҳон миқёсида бозор механизмлари асосида сув хўжалиги тизими молиялаштиришнинг методологик, илмий-назарий, услубий ва амалий

⁸ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.un-ihe.org/>; <https://unesco.org/>; <https://www.nmsu.edu/>; <https://www.gwp.org/>; <http://www.fao.org/>; <https://www.iwmi.cgiar.org/>; <https://www.iscte-iul.pt/>; <http://www.uva.es/>; <https://www.worldwatercouncil.org/>; <https://www.worldbank.org/>; <https://water.org/>; <https://iwa-network.org/>; <https://www.ers.usda.gov/>; <https://new.huji.ac.il/>; <https://www.universityofcalifornia.edu/>; <https://twin-cities.umn.edu/>; <http://www.uco.es/>; <http://www.caas.cn/en/>; <https://oregonstate.edu/>; <http://lmi-oce.org/>; <http://www.rosniipm.ru/>; <https://www.hse.ru/>; <https://www.cranfield.ac.uk/>; <https://www.oecd.org/water/>; <https://icid.org/>.

асосларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: суғориш суви нархи, тарифи, қиймати ва етказиб бериш хизмати учун тўловни аниқлаш ҳамда уни жорий этиш орқали сув хўжалиги тизимини молиялаштириш самарадорлигини ошириш; сувга мулк ҳуқуқини бериш орқали сув бозорларини шаклантириш; суғориш суви қиймати ва етказиб бериш хизмати учун тўлов ҳамда сувни тежовчи технологиялар жорий этишни субсидиялаш механизминини такомиллаштириш; соҳани давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш моделлари ва механизмларини ишлаб чиқиш; сув хўжалиги активларини бошқариш ва молиялаштиришни хусусий секторга бериш механизмлари ва тартибларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув хўжалиги тизимини бозор механизмлари асосида молиялаштиришнинг назарий ва методологик асослари: Дж.Бербель, Дж.Галлего-Аяла, Ю.Гонсалес-Альварез, А.Динар, Р.Йоханссон, С.Манжина, Ф.Молль, Дж.Перри, Д.Сандинг, Ф.Уард, РМ.Уртадо, А.Фридман, Я.Цур, Л.Чжан, К.Шавва, О.Шавлинский каби таниқли хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган⁹.

Мамлакатимизда сув хўжалиги тизимининг иқтисодий ва молиявий жиҳатлари, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш, сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги масалалари: О.О.Олимжонов, В.А.Духовный, Н.Х.Жумаев, Ш.А.Тошматов, Э.Ф.Трушин, А.У.Бурханов, С.Ч.Джалалов, Р.Д.Дустмуратов, И.И.Хильская¹⁰ ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

⁹Berbel J. et al. (2019). Analysis of irrigation water tariffs and taxes in Europe / *Water Policy* 21 – PP. 806-825.; Gallego-Ayala J. et al. (2011). Irrigation water pricing instruments: a sustainability assessment / *Span J Agric Res* – 9(4), PP. 981-999.; Gonzalez-Alvarez Y. et al. (2006). Farm-Level Irrigation and the Marginal Cost of Water Use: Evidence from Georgia. *Journal of Environmental Management* 80(4): PP. 311-317.; Dinar A. (2000). The Political Economy of Water Pricing Reforms. New York: Oxford University Press, P. 1-25.; Johansson R.C. (2000). Pricing irrigation water: a literature survey. *Policy Research Working Paper Series* 2449, The World Bank. P. 80.; Манжина С.А., Медведева Л.Н. К вопросу привлечения инвестиций в мелиорацию через формирование платы за подачу воды сельскохозяйственным водопотребителям // *Научный журнал Российского НИИ проблем мелиорации*. – 2019. – № 2(34). – С. 15.; Molle F., Berkoff J. (2007). Irrigation water pricing: the gap between theory and practice (Comprehensive Assessment of Water Management in Agriculture). CAB International, Wallingford, PP. 21-93.; Perry C.J., Rock M., and Seckler D. Water as an economic good: A solution, or a problem? // *Research Report* 14. // Colombo, Sri Lanka: International Irrigation Management Institute. 1997. P. 25. ISBN 92-9090-351-1.; Sunding D. et al. (2002). Measuring the costs of reallocating water from agriculture: a multi-model approach. *Natural Resource Modeling*. 15(2): PP. 201-225.; Ward F.A. 2010. Financing Irrigation Water Management and Infrastructure: A Review. *Water Resources Development*, Vol. 26, No. 3, P. 321–349. DOI: 10.1080/07900627.2010.489308.; Hurtado RM. (2012). Pricing water resources to finance their sustainable management. A Think-Piece for the EUWI Finance Working Group. Retrieved from Stockholm, Sweden. P. 24.; Фридман А.А. Модели экономического управления водными ресурсами: Автореферат дис.. д-ра экон. наук: 08.00.13. М., 2012. – С. 43.; Tsur Y. 2005. «Economic Aspects of Irrigation Water Pricing» *Canadian Water Resources Journal / Revue canadienne des ressourceshydriques*, Vol. 30(1): P. 31-46. DOI: 10.4296/cwrj300131; Zhang L. et al. (2011). Public-private partnership in enhancing farmers' adaptation to drought: Insights from the Lujiang Flatland in the Nu River (Upper Salween) valley, China / *Land Use Policy* Volume 71, February 2018, PP. 138-145.; Шавва К.И. Методика определения тарифов на воду, подаваемую для орошения сельскохозяйственных культур из поверхностных водоисточников // *Вестник Одесской государственной академии строительства и архитектуры*. – 2004. – № 13. – С. 216-220.; Шавлинский О.А. Экономика водного хозяйства: Учеб. пособие / О.А.Шавлинский В.В.Васильев, В.З.Коростелев. – Мн.: БНТУ, 2003. – С. 206.

¹⁰ Олимжонов О.О. Оптимизация государственных расходов на финансирование экономики Республики Узбекистан (на примере водного хозяйства) // *Доклад. Центр экономических исследований*. – Ташкент, 2002/06. – С. 150; Духовный В.А. Финансовые и экономические инструменты (финансирование отрасли –

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.Ч.Джалалов сув ресурсларини иқтисодий баҳолашнинг услубий асосларини тадқиқ этган бўлса, Э.Ф.Трушин томонидан сувдан фойдаланганлик учун тўлов аниқлаш ва баҳолашнинг иқтисодий тамойиллари, шунингдек, сув хўжалиги ташкилотларини хўжалик ҳисобига ўтказиш орқали молиялаштириш масалалари илмий-амалий жиҳатдан ўрганилган. Таъкидлаш лозимки, республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан бозор тамойиллари ва механизмлари асосида сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг назарий ва услубий асослари махсус, мустақил илмий-тадқиқот, диссертацион объект сифатида ўрганилмаган. Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги тизимини молиялаштириш амалиётида, умуман, бозор тамойиллари ва механизмлари жорий этилмаганлиги диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифалари доирасини белгилашга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бозор механизмлари асосида сув хўжалиги тизимини молиялаштириш методологиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сув ресурсларининг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятини илмий ва иқтисодий жиҳатдан асослаш;

сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг илмий-назарий ёндашувларини таҳлил қилиш ва уларни таснифлаш;

давлат-хусусий шерикликнинг назарий жиҳатлари ва сув хўжалиги тизимини молиялаштиришдаги иқтисодий моҳиятини очиқ бериш;

суғориш суви қиймати ва нархини аниқлаш бўйича илмий-услубий ва методологик ёндашувларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикасида суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловни аниқлаш методологиясини ишлаб чиқиш;

сув хўжалиги активларини давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш моделларини таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон

роль государства, плата за воду и услуги и др.) / В.А. Духовный, М.А. Пинхасов, Н.Н. Мирзаев. – 2009. – С. 1-28.; Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири / Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти. – Т.: ЖИДУ, 2009. – Б. 56.; Тошматов Ш.А., Ражаббаев Ш.Р., Исламқулов А.Х. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. – Т.: «Молия» нашриёти, 2015. – Б. 160.; Трушин Э.Ф. Реформирование земельно-водных отношений как условие экономического роста (на примере Республики Узбекистан): Дис... д-ра экон. наук: 08.00.03. – Т.: 1996. – С. 441.; Бурханов А.У. Молиявий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. – Т.: Маънавият, 2019. – Б. 224.; Джалалов С.Ч. Развитие орошаемого земледелия в регионах Узбекистана в условиях дефицита водных ресурсов: Автореферат дис... д-ра экон. наук: 08.00.04. – Т.: 1998. – С. 37.; Dustmuratov R.D. Moliya – Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 472 bet.; Хильская И.И. Повышение эффективности использования водных ресурсов в орошаемом земледелии (на примере Кашкадарьинской области): Автореферат дис... канд. экон. наук: 08.00.05. – Т.: 1990. – С. 21.

Республикаси шароитида қўллаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

хорижий давлатларда сув хўжалиги тизимини молиялаштиришда кенг жорий этилган усуллар ва воситаларни таҳлил қилиш ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси шароитида жорий қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси сув ресурслари салоҳияти ва ундан фойдаланиш, сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини молиялаштиришнинг мавжуд тизими ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги тизимини бозор механизмлари асосида молиялаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловни жорий қилишни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар шароитида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектлар ва сув хўжалиги ташкилотлари ўртасидаги ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларини молиялаштириш методологиясини такомиллаштириш билан боғлиқ молиявий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот доирасида илмий абстракция, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш, сўров, корреляцион, регрессион таҳлил, омилли ва кластерли таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сув хўжалиги ташкилотининг меъёрий эксплуатация харажатлари, фойдаси, суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициенти ва иқтисодиёт тармоқларида ишлатилаётган сув ҳажми кўрсаткичлари асосида сув тарифи миқдорини аниқлаш усули такомиллаштирилган;

ерларнинг тупроқ бонитет балли ва ундан келиб чиқувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг меъёрий фойдаси, сув истеъмолчисининг сув олиш бош нуқтасига нисбатан жойлашуви, сувнинг минераллашув даражаси кўрсаткичлари асосида суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдорини аниқлаш услублари ишлаб чиқилган;

сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатация харажатларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар маҳаллий бюджетлари ва туманлар бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тизимида ўтиш орқали республика бюджети харажатлари юқини камайтириш ва оптималлаштириш таклиф этилган;

сув хўжалиги ташкилотларининг суғориш сувини етказиб бериш харажатларини сув истеъмолчилари томонидан қоплаш тартибини жорий этиш асосида хўжалик ҳисобидаги туман Сув хўжалиги бўлимларини ташкил этиш тавсия этилган;

сув истеъмолчиларига ҳақиқатда олган сув ҳажмининг экинларни суғориш меъёрига нисбатан ишлатилганлик даражасига қараб, суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловнинг бир қисмини қоплаш бўйича субсидия ажратиш механизми таклиф этилган;

агросаноат кластерлари ҳудудида жойлашган сув хўжалиги ташкилоти балансидаги сув хўжалиги активларини концессия шартномаси асосида молиялаштириш бўйича давлат-хусусий шериклик механизми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сув хўжалиги тизимини молиялаштириш механизмлари илмий-иқтисодий таснифланган;

сув хўжалиги ташкилотининг сув тарифи ва суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловни аниқлаш методологияси таклиф этилган;

суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлови миқдорига таъсир этувчи омиллар коэффициентлар сифатида тизимлаштирилган;

суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловнинг бир қисмини қоплашга субсидия ажратиш механизми ишлаб чиқилган;

сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация харажатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш механизми таклиф этилган;

хўжалик ҳисобидги сув хўжалиги ташкилотини ташкил этиш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмлар таклиф этилган;

агросаноат кластерлари ҳудудидаги сув хўжалиги активларини давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш механизми тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни таниқли иқтисодчи олимларнинг суғориш суви қиймати, нархи, тарифи ва сув етказиб бериш хизматлари учун тўловни аниқлаш ҳамда белгилаш, давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида молиялаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашлари қиёсий ва танқидий таҳлил қилинганлиги, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, ахборотлар базасининг миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларидан олинганлиги, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ҳамда бошқа расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг бозор тамойилларига мос методологияси ва механизмларини такомиллаштириш ҳамда шакллантиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан мамлакатимиз сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бозор механизмлари асосида сув хўжалиги тизимини молиялаштириш методологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

сув хўжалиги эксплуатация ташкилотининг сув тарифи ва унга таъсир этувчи асосий омиллардан келиб чиққан ҳолда суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдорини аниқлаш бўйича методологик ёндашув Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4486-сон Қарорининг 1-бўлим, а-банди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6024-сон Фармонининг 1-илоvasи, 5-боби, 5.7-бандида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 06/11-01-10/10-92-сон ҳамда Сирдарё-Сўх ИТХБнинг 2020 йил 29 майдаги 02/589-сон маълумотномалари). Ушбу таклифни амалиётга тадбиқ этиш натижасида Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида фаолият юритаётган 308 та қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектлар ва 3,5 минг гектар майдонда деҳқончилик қилаётган томорқа хўжаликлари кесимида суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдорини белгилаш ва баҳолаш имкони туғилган;

сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатация харажатларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар маҳаллий бюджетлари ва туманлар бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тизимига ўтиш орқали республика бюджети харажатлари юқини камайтириш ва оптималлаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сон Қарорининг 34-бўлими, в-бандида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 06/11-01-10/10-92-сон ҳамда Сирдарё-Сўх ИТХБнинг 2020 йил 29 майдаги 02/589-сон маълумотномалари). Ушбу таклифни амалиётга тадбиқ этиш натижасида 2019 йилда Фарғона вилояти бўйича жами 43 477,0 млн. сўм сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатация харажатлари вилоят маҳаллий бюджети ва туманлар бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган ҳамда 2019 йил республика бўйича 3 трлн. сўмга яқин сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатация харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар

махаллий бюджетлари ва туманлар бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган;

сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларининг суғориш сувини етказиб бериш харажатларини сув истеъмолчилари томонидан қоплаш тартибини жорий этиш асосида хўжалик ҳисобидаги туман Сув хўжалиги бўлимларини ташкил этиш тавсияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сон Фармонининг 1-илоvasи, 2-банди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4486-сон Қарорининг 1-бўлим, а-бандида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 06/11-01-10/10-92-сон ҳамда Сирдарё-Сўх ИТХБнинг 2020 йил 29 майдаги 02/589-сон маълумотномалари). Ушбу таклифни амалиётга тадбиқ этиш натижасида республика сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация харажатларининг 85 фоиздан ортиғи сув истеъмолчилари томонидан қопланиши иқтисодий асосланган ҳамда Тошлоқ туман ирригация бўлими эксплуатация харажатлари тўлиқ, шунингдек, Сирдарё-Сўх ИТХБ ҳузуридаги Мелиорация экспедициясининг 133,8 млн. сўм ёки 2,9% ҳамда Насос станциялари ва энергетика бошқармасининг 1 115,0 млн. сўм ёки 0,65% эксплуатация харажатлари сув истеъмолчилари томонидан молиялаштирилиб, пировардида, жами 2 666,6 млн. сўм миқдорда, шундан 1 248,8 млн. сўм вилоят маҳаллий бюджети ва 1 417,8 млн. сўм туман бюджети маблағларини тежаш имконини берган;

сув истеъмолчиларига ҳақиқатда олган сув ҳажмини экинларни суғориш меъёрига нисбатан ишлатганлик даражасига қараб суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловнинг бир қисмини қоплаш бўйича субсидия ажратиш механизми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сон Фармонининг 1-илоvси, 2-бандида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 06/11-01-10/10-92-сон маълумотномаси, Сирдарё-Сўх ИТХБнинг 2020 йил 29 майдаги 02/589-сон далолатномаси). Ушбу таклифни амалиётга тадбиқ этиш натижасида республика бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ишлатиладиган сувнинг ўртача 2 марта ва ундан ортиқ даражада тежалиши иқтисодий асосланган ҳамда Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида фаолият юритаётган 308 та қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектларда пахта етиштириш бўйича ҳақиқатда ишлатилган сув ҳажми экинларни суғориш меъёрига нисбатан 20%дан ортиқ, мева етиштириш бўйича – 40%гача ва сабзавот етиштириш бўйича – 30%дан ортиқ тежаш имкониятини яратган;

агросаноат кластерлари ҳудудидаги сув хўжалиги ташкилоти балансидаги сув хўжалиги активларини концессия шартномаси асосида молиялаштириш бўйича давлат-хусусий шериклик механизми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4486-сон Қарорининг 1-бўлим, 6-банди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6024-сон Фармонининг 1-илоvasи, 5-боби, 5.8-бандида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 06/11-01-10/10-92-сон маълумотномаси, Сирдарё-Сўх ИТХБнинг 2020 йил 29 майдаги 02/589-сон далолатномаси). Ушбу таклифни амалиётга тадбиқ этиш натижасида республика сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация харажатлари камида 15 фоизга қисқарган, 2019 йилда 845,1 млн. сўмлик Фарғона вилояти маҳаллий бюджети маблағлари тежалган ва Сирдарё-Сўх ИТХБ хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳамда Мелиорация экспедицияси эксплуатация харажатлари 15,8 фоизга қисқарган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари, жами 10 та, шу жумладан, 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш ва 1 та патент (хаммуаллифликда), шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 12 та мақола (жумладан, 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ҳажми 252 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотни илмий ишлар режалари билан алоқадорлиги аниқланган, диссертациянинг илмий янгилиги, илмий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиғи, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган. Шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «Сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг назарий асослари» деб номланган биринчи бобида сув ресурсларининг

мамлакат иқтисодиётидаги стратегик аҳамияти ва табиий-иқтисодий хусусиятлари очиб берилган, сув хўжалиги тизимини молиялаштириш механизмларининг илмий-назарий ва иқтисодий асослари атрофлича тадқиқ этилиб, унинг мазмун-моҳияти, молиялаштиришда бозор механизмларининг ўрни ва аҳамияти, сув хўжалиги тизимини молиялаштириш илмий-иқтисодий таснифланган. Хорижий давлатлар томонидан сув хўжалиги тизимини молиялаштириш амалиётида самарали фойдаланилаётган бозор механизмларининг иқтисодий асослари назарий жиҳатдан ёритилган ва ўзига хос хусусиятлари атрофлича ўрганилган.

Маълумки, сув ресурслари ва сув хўжалиги тизими аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда сиёсий-ижтимоий-эпидемиологик, саноат тармоқларини сувга бўлган талабини қондиришда иқтисодий хавфсизлик, қишлоқ хўжалигида эса мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда сув хўжалиги тизимини молиялаштириш назарияси ва амалиётида самарали бозор механизмлари билан бир қаторда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш даражаси юқориликча қолмоқда. Бундай ёндашув давлатларнинг миллий сув сиёсати ва сув хўжалигини ривожлантириш стратегиялари билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан сув хўжалиги активларини ҳукумат органлари томонидан тўғридан-тўғри режалаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда молиялаштирилади.

Сув хўжалиги тизимини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштиришда субсидиялар муҳим аҳамият касб этади. Кўпгина давлатларда субсидиялар сув истеъмолчиларини молиявий рағбатлантирувчи восита ҳисобланиб, улар кўпинча суғориш сувини тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича қисман ёки тўлиқ молиялаштиришга қаратилади¹¹. Шунингдек, айрим давлатларда суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловнинг бир қисмини қоплаш учун ҳам субсидиялар ажратилиши мумкин ва бундай механизм Қозоғистон Республикасида муваффақиятли қўлланиб келмоқда¹². Ушбу мақсадлар учун субсидиялар берилиши тўлов тизимини амалиётда жорий қилишнинг дастлабки босқичида сув истеъмолчиларни моддий рағбатлантирувчи восита ҳисобланади.

Шу ўринда, сув хўжалиги тизимини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ва субсидиялашнинг асосий манбаи солиқлар ҳисобланади. Улар, асосан, табиий ресурслар сифатида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, сув учун роялти (Қирғизистон¹³, Тожикистон¹⁴ ва

¹¹ Easter K. William, Liu Yang. Cost recovery and water pricing for irrigation and drainage projects. Report Number 37027; Vol. No 1; Total Volume(s) 1 Washington, DC: World Bank. P. 62

¹² Приказ Министра сельского хозяйства Республики Казахстан от 30 июня 2015 года № 6-3/597 «Об утверждении Правил субсидирования стоимости услуг по подаче воды сельскохозяйственным товаропроизводителям» и зарегистрирован в Министерстве юстиции Республики Казахстан 31 декабря 2015 года № 12714. <https://online.zakon.kz/>

¹³ Налоговый кодекс Республики Кыргызстан. Раздел XI. <http://cbd.minjust.gov.kg/>

¹⁴ Налоговый кодекс Республики Таджикистан. Глава 36. <http://www.adlia.tj/>

бошқалар), айрим давлатларда (Тайланд, Эрон ва бошқалар) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан олинган даромаднинг бир қисмидан тўланадиган сув солиғи¹⁵ ҳамда барча давлатларда ер солиқларини ўз ичига олади.

Бироқ, аксарият давлатларда, хусусан Марказий Осиё давлатларида суғорма деҳқончиликда фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектлар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан (тўлов) озод қилинган ёки табиий ресурс сифатида рамзий тўловни (Қирғизистонда чучук сув роялти ставкаси қирғиз сомида – 0,01 сом/м³ ёки ўзбек сўмида – 1,36 сўм/м³) амалга оширади. Ва аксинча, дунёнинг кўпгина давлатларида сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари суғориш суви етказиб бериш учун тўловларни жорий қилиш асосида молиялаштирилади.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, сув хўжалиги, хусусан, ирригация тизимларини молиявий ресурсларга бўлган талабини қондириш мураккаб ва ечиш қийин бўлган вазифадир¹⁶. Ваҳоланки, сув хўжалиги тизимини молиялаштириш учун молиявий ресурсларни жалб қилишдаги жиддий тўсиқлардан бири бу – мамлакат иқтисодиётининг беқарорлиги шароитида давлат тасарруфидаги сув хўжалиги тизими орқали суғориш сувини бепул етказиб бериш ва тўғридан-тўғри давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш ҳисобланади. Хусусан, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектлар учун суғориш сувини бепул ёки жуда паст нархда белгиланиши кўпгина давлатларда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш миллий сиёсати билан асосланади. Бироқ, қўйилган мақсадларга эришишда бепул ёки арзон сувдан фойдаланиш ҳамда суғориш учун сувни ўйламасдан ишлатилиши ҳисобига оғир ижтимоий ва экологик оқибатларга олиб келган Орол денгизи яққол мисол бўлади¹⁷.

Бугунги кунда кўпгина давлатларда сув хўжалиги тизимини молиялаштиришда бозор тамойиллари ва механизмларидан кенг фойдаланиш давлат бюджети харажатлари юқини камайтириш ва оптималлаштириш, сув хўжалиги ташкилотлари молиявий мустақиллигини таъминлаш, сув ресурслари тежамкорлигига олиб келмоқда.

Сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг асосий бозор механизми ва молиявий воситаси сув тарифи (тўлов) ҳисобланади. Самарали тариф (тўлов) сиёсати – сув хўжалиги ташкилотлари харажатларини қоплаши ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаши лозим¹⁸. Сув танқислиги шароитида сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган рақобат шароитидаги сув ресурслари ва даромадни самарали тақсимлаш тариф сиёсати билан тартибга солинади. Шунингдек, тариф сиёсати бевосита сув ресурсларига бўлган талабнинг ўзгаришига олиб келади

¹⁵ ICID News 2014 First Quarter. Financing Water for Agriculture. P. 3-5.

¹⁶ Camdessus M. Financing Water For All. Report of the World Panel on Financing Water Infrastructure. P. 38.

¹⁷ Gurria A., Hofwegen P. Task Force on Financing Water For All - Report 1. Enhancing Access To Finance For Local Governements - Financing Water For Agriculture. World Water Council. 2006. ISBN: 92-95017-12-9. P. 61.

¹⁸ Robert C. Johansson, Yacov Tsur, Terry L. Roe, Rachid Doukkali, Ariel Dinar. Pricing irrigation water: a review of theory and practice, Water Policy 4, 2002, P. 173-199.

ва бу жараён сувдан фойдаланиш ҳуқуқи, яъни квоталар дастаги орқали бошқарилади.

Квоталар ишлатилган сув ҳажми, етказиб бериш вақти ёки сарфига қараб белгиланиши мумкин¹⁹. Агар сувга бўлган талабни бошқариш учун самарали назорат тизими ва санкциялар мавжуд бўлса, квоталарни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Чекланган сув ресурсларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаш учун квоталар ажратиш жараёнини рағбатлантирувчи нарх сиёсати уйғунлигида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, квоталар сув бозорларига айланди.

Сув бозорлари фаолияти хусусий мулк ҳуқуқларини белгилаш ва уларни бозорда алмашишга асосланади ҳамда улар сув тарифи ва ҳажмини ўз ичига олади²⁰. Сувдан фойдаланиш барқарорлигини таъминлаш учун сув ресурсларига бўлган мулк ҳуқуқлари йиғиндиси мавжуд ресурслардан ошмаслиги лозим. Сув бозорлари сув ҳажмини аниқлашга имкон яратади ва талабни бошқаришда рағбатлантирувчи дастак ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳон кишлоқ хўжалиги тобора анъанавий суғорма деҳқончиликдан агробизнес ва қўшилган қиймат занжирини шакллантириш билан боғлиқ бўлган диверсификациялашган ҳамда тижоратлашган тизимга ўтмоқда. Бундай шароитда сув хўжалиги активлари ҳолатини яхшилаш ва уларни бошқариш, суғориш сув етказиб бериш билан боғлиқ эксплуатация харажатларни қоплашда хусусий сектор ўрни янада ошиб бормоқда. Жумладан, сув хўжалиги активларининг эскириши уларни модернизация ва реконструкция қилиш учун катта ҳажмдаги инвестицияларни талаб этади.

Бундай шароитда инвестор сув хўжалигини бошқаришнинг давлат-хусусий шериклик тизимидаги хусусий шерик бўлиши мумкин²¹. Экспертлар фикрича, сув хўжалиги активларини хусусий секторни жалб қилиш орқали молиялаштириш салоҳияти мавжуд, лекин инвестиция киритиш хатарлидир. Бироқ хатарлар давлат ва хусусий шерик ўртасида мутаносиб тарзда тақсимланса, у амалга ошиши мумкин²².

Шулардан келиб чиққан ҳолда сув хўжалиги тизимини давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш тушунчасига – «давлат ва хусусий шерикнинг аниқ муддатга юридик расмийлаштирилган ўзаро самарали ҳамкорлигига асосланган сув хўжалигининг инфратузилма лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қуриш, эксплуатация қилиш, молиялаштириш учун хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурсларни бирлаштириш ва хавф-хатарларни тақсимлаш механизми» деб таъриф бериш мумкин.


¹⁹ Chohin-Kuper A., Rieu T., Montginoul M. Water Policy Reforms: Pricing Water, Cost Recovery, Water Demand and Impact on Agriculture. Lessons from the Mediterranean Experience. Proceedings of the Water Pricing Seminar, Agencia Catalana del Agua and World Bank Institute, Barcelona, 30 June – 2 July 2003. P. 1-25.

²⁰ Hearne R.R., Easter K.W. Water Allocation and Water Markets. An Analysis of Gains-from-Trade in Chile. World Bank Technical Paper // No. 315. 1995. P. 75.

²¹ Грановская Л.Н. Развитие водного хозяйства Украины на основе государственно-частного партнерства. Ж: Вопросы государственного и муниципального управления. 2018. № 2, – С. 139-152.

²² ICID News 2014 First Quarter. 2014. Challenges and Developments in Financing Irrigation and Drainage Sector. P. 3-5

Шу билан бир қаторда, «молия» назарияси ва «сув хўжалиги тизимини молиялаштириш» бўйича илмий-амалий ёндашувлардан келиб чиқиб, сув хўжалиги тизимини молиялаштириш тушунчасига – молиянинг классик назарияси самарали воситалари уйғунлигида устуворликни неоклассик назария механизмлари ва воситаларига бериш билан боғлиқ молиялаштиришнинг бозор механизмлари ва рағбатлантирувчи воситалари мажмуи деб таъриф бериш мумкин. Ушбу ёндашув асосида сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг илмий ва иқтисодий таснифини таклиф этамиз (1-расм).



1-расм. Сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг илмий ва иқтисодий таснифи²³

Сув хўжалиги тизимининг суғориш сувини етказиб бериш учун тўловлари ва давлат-хусусий шериклик моделлари асосида молиялаштириш механизмлари амалиётда фақат «сув ресурслари ва сув объектдан

²³ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

фойдаланиш ҳуқуқи» аниқ белгилаб олингандагина ишлаши мумкин. Бу эса, мавжуд сув муносабатларини тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатларни тўлиқ қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Демак, сув хўжалиги тизимини молиялаштириш механизмларининг илмий-назарий асосларини ўрганиш ва молиялаштиришнинг бозор тамойиллари ва механизмларини таҳлил қилиш ҳамда уларни иқтисодий таснифлаш юзасидан ёндашувлар Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги тизимини бозор механизмлари асосида молиялаштириш бўйича устувор йўналишларни белгилаш ва тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот ишининг «**Сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг методологик асослари**» деб номланган иккинчи бобида сув хўжалиги тизимларини молиялаштириш бўйича методологик ёндашувлар назарий ва иқтисодий жиҳатдан тизимлаштирилган ва улардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси суғорма деҳқончилигида қўллаш мумкин бўлган сув тарифи ва суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдорини аниқлаш методологияси таклиф этилган ва таснифланган.

Тадқиқот мақсади ва объектидан келиб чиққан ҳолда сув хўжалиги тизимини бозор механизмлари асосида молиялаштиришнинг методологик асоси сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари харажатларини сув истеъмолчилари томонидан қоплаш, яъни суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловни жорий қилиш ҳисобланади. Дарҳақиқат, сув истеъмолчилари томонидан сув хўжалиги хизмати учун ҳақ тўлаш – бу улкан салоҳиятга эга, деярли фойдаланилмаган, шунингдек, жорий эксплуатация харажатларини қоплаш учун ягона барқарор молиявий манба ҳисобланади²⁴.

Суғориш суви қиймати, нархи, суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловни аниқлаш бўйича методологик ёндашувларнинг назарий ва амалий жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда сув тарифи ва суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловларни ҳисоблаш методологиясини таклиф этамиз.

Таклиф этилаётган методология асосида ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг асосий мезонлари куйидагича:

биринчидан, сув хўжалиги ташкилотларининг меъёрий эксплуатация харажатлари ва фойдасидан келиб чиққан ҳолда барча иқтисодиёт тармоқлари учун ягона сув тарифини белгилаш.

Сув тарифи бу – сув хўжалиги ташкилотининг меъёрий эксплуатация харажатлари ва фойдасини жами иқтисодиёт тармоқларида ишлатилаётган сувнинг ўртача арифметик ҳажми ва суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициентини нисбатидан келиб чиқадиган абсолют миқдордир. Тариф миқдори оқар сув ва насос орқали етказиб бериш усуллари бўйича алоҳида аниқланади;

²⁴ Gurria A., Hofwegen P. Task Force on Financing Water For All - Report 1. Enhancing Access To Finance For Local Governements - Financing Water For Agriculture. World Water Council. 2006. ISBN: 92-95017-12-9. P. 61.

иккинчидан, сув тарифи негизида сув истеъмолчисининг ер ва сув ресурслари салоҳиятига таъсир этувчи омиллардан келиб чиққан ҳолда суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов белгилаш.

Суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов – сув тарифи негизида ерларнинг тупроқ бонитет балли ва ундан келиб чиқувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг меъёрий фойдаси, сув истеъмолчисининг сув олиш бош нуктасига нисбатан жойлашуви, сувнинг минераллашув даражаси кўрсаткичларига асосланган абсолют миқдордир. Тўлов миқдори ҳақиқатда олинган суғориш суви ҳажми ва ҳақиқатда суғорилган майдон учун оқар сув ва насос орқали етказиб бериш усуллари бўйича алоҳида аниқланади.

Сув тарифи ва суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловини аниқлаш методологиясини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича жами ишлатилган сувнинг охириги 4 йил ва кутилаётган йил учун режада ишлатиладиган сувнинг ўртача арифметик ҳажми (V_{W_m}) аниқланади ва қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$V_{W_m} = \frac{\sum_{i=1}^n V_{v_i}}{N} \quad (1)$$

бу ерда: $\sum_{i=1}^n V_{v_i}$ – иқтисодиёт тармоқлари бўйича ҳақиқатда i йилда ($i = 1, 2, \dots, 5$)

ишлатилган сув ҳажми, млн.м³;

N – йил сонлари.

2. Суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициенти ҳисобга олинган суви ҳажми ($V_{W_m^\eta}$) аниқланади ва у қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$V_{W_m^\eta} = V_{W_m} \times \eta_{sys} \quad (2)$$

бу ерда: η_{sys} – суғориш тизимларининг ҳақиқатдаги фойдали иш коэффициенти.

3. Сув хўжалиги ташкилотини молиялаштиришнинг режадаги миқдори қуйидаги формула билан ҳисобланади²⁵:

оқар сувни етказиб бериш усули бўйича ($\sum \phi_g$):

$$\sum \phi_g = H_{WDC} + H_{RC} - H_{S_{ps}} \times (1 + H_p) \quad (3)$$

насос орқали сув етказиб бериш усули бўйича ($\sum \phi_m$):

$$\sum \phi_m = H_{WDC} + H_{RC} \times (1 + H_p) \quad (4)$$

бу ерда: H_{WDC} – сув хўжалиги ташкилотининг сув етказиб бериш билан бевосита боғлиқ меъёрий харажатлари, минг сўм;

²⁵ Сув хўжалиги ташкилоти меъёрий харажатлари таркиби ва меъёрий фойдаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 54-сон Қарорига (www.lex.uz) мувофиқ муаллиф томонидан шакллантирилди.

H_{RC} – сув хўжалиги ташкилотининг мелиорация (нам ва зах қочириш) билан бевосита боғлиқ меъёрий харажатлари, минг сўм;

H_{SPS} – сув хўжалиги ташкилоти балансидаги насос станцияларнинг меъёрий электр энергия харажатлари, минг сўм.

H_P – сув хўжалиги ташкилотининг меъёрий фойдаси, %.

Шу ўринда, сув хўжалиги ташкилотининг сув етказиб бериш билан бевосита боғлиқ меъёрий харажатларини қўйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\sum H_{WDC} = H_{MC} + H_{LPF} + A + H_{OC} \quad (5)$$

бу ерда: H_{MC} – сув етказиб бериш билан бевосита боғлиқ меъёрий моддий харажатлар, минг сўм.

H_{LPF} – иш ҳақи фонди, минг сўм;

A – асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси, минг сўм;

H_{OC} – сув етказиб бериш билан бевосита боғлиқ меъёрий бошқа харажатлар.

Сув хўжалиги ташкилотининг мелиорация (нам ва зах қочириш) билан бевосита боғлиқ меъёрий харажатлари қўйидаги формула билан ифодаланади:

$$\sum H_{RC} = H_{MC} + H_{LPF} + A + H_{OC} \quad (6)$$

бу ерда: H_{MC} – мелиорация (нам ва зах қочириш) билан бевосита боғлиқ меъёрий моддий харажатлар, минг сўм.

H_{LPF} – иш ҳақи фонди, минг сўм;

A – асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси, минг сўм;

H_{OC} – мелиорация билан бевосита боғлиқ меъёрий бошқа харажатлар.

Сув хўжалиги ташкилотлари фойдасини ҳисоблаш бўйича турли хил ёндашувлар мавжуд. Жумладан, Молдовада сув хўжалиги ташкилотининг капитал харажатлари, эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича меъёрий харажатларига нисбатан 15%да, Қирғизистонда – 30%, Тожикистонда – 8%, Россияда – 8%, 12% ва 20% оралиғида белгиланади²⁶. Айрим мутахассислар фикрича, фойда меъёри – 10%²⁷, 5-10%²⁸, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг ўртача меъёрий фойдасига (15%дан 35%гача) асосланган ҳолда белгилаш таклиф этилган²⁹.

²⁶ Слабунова А.В. О проблемах экономического механизма платного водопользования в области мелиорации в России и странах бывшего СССР. // Научный журнал Российского НИИ проблем мелиорации, № 2(34), 2019 г., – С. 230–245.

²⁷ Аюбян А.В., Сафарова Н.И. Экономический инструмент реализации услуг по подаче воды для орошения в зоне действия крупных мелиоративных систем. // Научный журнал Российского НИИ проблем мелиорации, № 3(03), 2011 г., – С. 1-12.

²⁸ Манжина С. А., Медведева Л. Н. Современные подходы к определению экономически обоснованной стоимости подачи воды на орошение. // Научный журнал Российского НИИ проблем мелиорации, № 3(31), 2018 г., – С. 148–170.

²⁹ Шавва К.И. Методика определения тарифов на воду, подаваемую для орошения сельскохозяйственных культур из поверхностных водоисточников // Вестник Одесской государственной академии строительства и архитектуры. – 2004. – № 13. – С. 216-220.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси шароитида сув хўжалиги ташкилотнинг давр харажатлари ўртача 5%ни ташкил этмоқда ва шуни инобатга олиб, ушбу харажатлар, шунингдек, келажакда ташкилотни ривожлантириш ва дивиденд тўловларини (10%) амалга ошириш мақсадида сув хўжалиги ташкилотининг меъёрий фойдаси даражасини ўртача 15% қилиб белгилашни тавсия қиламиз³⁰.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, сув хўжалиги ташкилотининг меъёрий фойдасини ($\sum H_p$) ташкилотнинг меъёрий давр (H_{soc}) ва ривожлантириш харажатлари (S_{dc}) ҳамда дивиденд тўловлари (D) даражалари асосида ҳисоблаш мақсадга мувофиқ ва уни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$\sum H_p = H_{soc} + S_{dc} + D \quad (7)$$

4. Сув хўжалиги ташкилотини молиялаштиришнинг режадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда сув тарифи миқдори аниқланади ва у қуйидаги формула билан ифодаланди:

оқар сувни етказиб бериш усули бўйича (l_{w_g}):

$$l_{w_g} = \frac{\sum \phi_g}{V_{w_m^n}} \quad (8)$$

насос орқали сув етказиб бериш усули бўйича (l_{w_m}):

$$l_{w_m} = \frac{\sum \phi_m}{V_{w_m^n}} \quad (9)$$

5. Сув хўжалиги ташкилотининг белгиланган сув тарифи негизида **қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектлар учун** суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдори алоҳида оқар сув ва насос орқали сув етказиб бериш усуллари асосида ҳақиқатда олинган суғориш суви ҳажми (m^3) ва ҳақиқатда, суғорилган экин майдони (гектар) учун ҳисоблаймиз, уларни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

Ҳақиқатда олинган суғориш суви ҳажми (m^3) учун:

оқар сувни етказиб бериш усули бўйича (ω_{w_g}):

$$\omega_{w_g} = l_{w_g} \times k_1 \times k_2 \times k_3 \times V_{w_{act}} \quad (10)$$

насос орқали сув етказиб бериш усули бўйича (ω_{w_m}):

$$\omega_{w_m} = l_{w_m} \times k_1 \times k_2 \times k_3 \times V_{w_{act}} \quad (11)$$

бу ерда: $V_{w_{act}}$ – ҳақиқатда олинган суғориш суви ҳажми, m^3 ;

k_1 – тупроқ бонитет баллидан келиб чиқувчи пахта ва ғалла экинларининг меъёрий фойдасини ҳисобга олувчи коэффициент;

³⁰ Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларининг харажатлар сметалари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

k_2 – тупроқ бонитет баллидан келиб чиқувчи мева-сабзавот ва бошқа экинларнинг меъерий фойдасини ҳисобга олувчи коэффицент;

k_3 – суғориш суви сифатини (минераллашув даражаси) ҳисобга олувчи коэффицент. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, суғориш сувининг минераллашув даражаси юқори бўлиши қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келади. Жумладан, сув билан таъминланганлигига қараб, суғориш сувининг минераллашув даражаси 1 дан 2 г/л гача бўлганда пахта ҳосилдорлиги 6%гача, 2-4 г/л гача – 12%гача ва 4-6 г/л гача – 30-40%гача пасаяди³¹.

Суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдори ҳисоблашда сув тарифига қўлланилган тузатиш коэффицентлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал
Сув тарифига қўлланилган тузатиш коэффицентлари³²

Ерларнинг тупроқ бонитет баллидан келиб чиқувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари меъерий фойдасининг ўзгариши ³³					Суғориш суви сифати		Сув истеъмолчисининг сув олиш бош нуқтасига нисбатан жойлашганлиги		Суғориш меъерига нисбатан юқори даражада олинган сув ҳажмини ҳисобга олувчи коэффицент	
Балл-бонитет	Пахта ва галла экинлари, %	k_1	Мева-сабзавот ва бошқа экинлар, %	k_2	Минераллашув даражаси, г/л	k_3	Сув олиш бош нуқтаси	k_4		
0-10	0,0	1,00	0,0	1,00	< 1	1,00	Бошида	1,0	<i>const</i>	2
11-20	0,0	1,00	0,0	1,00	1-2	0,94	Ўртасида	0,9		
21-30	0,0	1,00	4,6	1,00	2-4	0,88	Охирида	0,8		
31-40	3,7	1,00	12,0	1,30	> 4	0,70				
41-50	6,7	1,25	19,4	1,62						
51-60	10,3	1,55	26,8	2,23						
61-70	13,3	2,00	33,8	2,82						
71-80	17,0	2,55	41,6	3,47						
81-90	19,7	2,95	48,0	4,00						
91-100	21,3	3,20	54,4	4,53						

Ҳақиқатда суғорилган экин майдони (гектар) учун:
оқар сувни етказиб бериш усули бўйича ($\Omega_{\text{твг}}$):

³¹ Якубов Х.И. и др. Руководство по использованию дренажных вод на орошение сельскохозяйственных культур и промывки засоленных земель. Научно-производственное объединение «САНИИРИ». Ташкент – 1986. – С. 30-31.

³² Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

³³ Коэффицентлар «Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом»да келтирилган ерларнинг тупроқ бонитет баллидан келиб чиқувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг норматив фойдаси ва уни бонитет баллари ошиши бўйича ўзгаришига асосланган ҳолда муаллиф томонидан ҳисобланган.

$$\Omega_{IW_g} = l_{W_g} \times \sum_{i=1}^n M \times k_1 \times k_2 \times k_3 \times k_4 \times \Omega_{IW_{act}} \times const \quad (12)$$

насос орқали сув етказиб бериш усули бўйича (Ω_{IW_m}):

$$\Omega_{IW_m} = l_{W_m} \times \sum_{i=1}^n M \times k_1 \times k_2 \times k_3 \times k_4 \times \Omega_{IW_{act}} \times const \quad (13)$$

бу ерда: $\sum_{i=1}^n M$ – ҳар бир туман ва ҳудуд бўйича тасдиқланган гидромодуль районлаштириш ва экинларнинг суғориш меъёрлари³⁴, м³/га;

$\Omega_{IW_{act}}$ – ҳақиқатда суғорилган экин майдони, га;

k_3 – сув истеъмолчисининг сув олиш бош нуқтасига нисбатан жойлашганини ҳисобга олувчи коэффициент;

$const$ – экинларнинг суғориш меъёрига нисбатан юқори даражада олинган сув ҳажмини ҳисобга олувчи коэффициент;

n – қишлоқ хўжалиги экин турлари.

6. Сув хўжалиги ташкилотининг белгиланган сув тарифи миқдоридан келиб чиққан ҳолда **томорқа хўжаликлари учун** суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдори алоҳида оқар суғориш суви ва насос орқали сув етказиб бериш усуллари бўйича ҳақиқатда суғорилган 1 сотих майдон учун белгиланиб, у қуйидаги формула билан аниқланади:

оқар сувни етказиб бериш усули бўйича (Ω_{HIW_g}):

$$\Omega_{HIW_g} = \frac{l_{W_g} \times M_h}{100} \times \Omega_{HIW_{act}} \quad (14)$$

насос орқали сув етказиб бериш усули бўйича (Ω_{HIW_m}):

$$\Omega_{HIW_m} = \frac{l_{W_m} \times M_h}{100} \times \Omega_{HIW_{act}} \quad (15)$$

бу ерда: $\Omega_{HIW_{act}}$ – томорқа хўжалигининг ҳақиқатда суғорилган майдони, сотка;

M_h – ҳар бир ҳудуд бўйича тасдиқланган томорқа хўжаликлари учун суғориш меъёри, м³/га.


Юқорида келтирилган формулаларга асосланган ҳолда сув тарифи ва суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловини аниқлаш методологиясини 2-расмда келтирилган кўринишда таснифлаш мумкин.

Сув хўжалиги ташкилотлари томонидан сув истеъмолчиларига суғориш сувини етказиб бериш графиги бузилган тақдирда етказган зарарни қоплаш ёки етказилган зарарни аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда эса етказиб берилмаган сув ҳажми миқдорида жарима тўлаш тизимини жорий қилиш

³⁴ «Мелиорация и орошение культур хлопкового севооборота (Гидромодульное районирование и режимы орошения сельскохозяйственных культур по областям Республики Узбекистан)». / Беспалов Н.Ф. и другие, Ташкент, 1992. – С.191.

лозим. Шўр ювиш, нам суви ва қишда яхоб суви бериш учун ишлатиладиган сув ресурслари тўловдан озод этиш ҳамда суғориш сувдан ўзбошимчалик ва яширин фойдаланганлик учун жарима санкцияларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Таклиф этилаётган методология сув хўжалиги тизимини молиялаштиришда республика бюджети харажатлари юқини камайтириш ва оптималлаштириш, сув хўжалиги ташкилотлари молиявий мустақиллигини таъминлаш ва сув истеъмолчиларига сифатли хизмат кўрсатиш билан бир қаторда, суғориш сувини сезиларли даражада тежаш, сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишни рағбатлантиради, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳақиқий таннархи шаклланиши ва унинг шаффофлигини таъминлайди.




2-расм. Сув тарифи ва суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдорини аниқлаш методологияси таснифи³⁵

Ушбу методологик ёндашув Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида фаолият юритаётган туман сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектлар фаолиятида амалиётга жорий қилинди. Демак, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, оқар сувни етказиб бериш тарифи – 50,3 сўм/м³ ва насос орқали сув етказиб бериш тарифи – 104,0 сўм/м³ни ташкил қилмоқда. Аниқлаб олинган оқар ва насос орқали сув етказиб бериш тарифлари асосида суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловларни туманда фаолият юритаётган 146 та пахта-ғаллачиликка, 133 та боғдорчиликка, 29 та сабзавотчиликка ихтисослашган – жами 308 та қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектлар кесимида ҳисоб-китоб ва таҳлил қилинди.

Ҳисоб-китоб ва таҳлилда асосий эътиборни ҳақиқатда олинган суғориш суви хажми учун тўловга қаратамиз ва айнан ушбу тўлов усули амалиётда

³⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

жорий қилиш самарали деб ҳисоблаймиз. Таҳлил қилинаётган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектлар кесимида ҳақиқатда олинган суғориш сув ҳажми бўйича оқар сувни етказиб бериш хизмати учун тўловнинг ўртача миқдори 92,3 сўм/м³ни, насос орқали сув теказиб бериш хизмати учун тўлов эса 191,0 сўм/м³ни ташкил қилмоқда (3-расм).




3-расм. Ҳақиқатда олинган суғориш суви ҳажми бўйича суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдорининг ўзгариш динамикаси³⁶

Шу билан бир қаторда бугунги кунда суғорма деҳқончиликдаги аксарият сув истеъмолчиларнинг сув ўлчаш иншоатлари (гидропостлар) билан таъминланмаганлигини инобатга олган ҳолда муқобил вариант сифатида ҳақиқатда суғорилган майдон учун тўловни пахта-ғаллачилик ва мева-сабзавотчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектлар кесимида умумий жиҳатларини кўриб ўтилган.

Ҳақиқатда суғорилган экин майдони бўйича тўлов миқдорига таъсир этувчи омилларнинг ўзаро таъсир доираси, комбинацияси ва боғлиқлигини баҳолашда қийинлигини ва уларнинг таъсир этиш кучи турлича бўлганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу жиҳатлар тўлов миқдорини самарали аниқлаш ва баҳолаш турли ноаниқликларни келтириб чиқаради ҳамда уни амалиётда қўллаш имкониятини янада камайтиради (4-расм).

Демак, суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловлар сув хўжалиги ташкилоти меъерий харажатлари ва фойдасини тўлиқ қоплаш имконини беради ҳамда бу ташкилотнинг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

³⁶ Муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисобланган.



4-расм. Ҳақиқатда суғорилган экин майдони бўйича суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдорининг ўзгариш динамикаси³⁷

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги тизимини ривожлантириш ва молиялаштиришнинг ҳозирги ҳолати» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикасида сув ресурслари ва сув хўжалиги инфратузилмавий салоҳияти, сув тежовчи суғориш технологияларни жорий этишнинг ҳозирги ҳолати, сув хўжалигини молиялаштириш тенденциялари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган ва соҳадаги муаммолар очиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси сув ресурслари салоҳияти асосан Амударё ва Сирдарё ҳамда уларнинг ирмоқлари ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларидан фойдаланишнинг ўртача йиллик ҳажми 52–53,0 млрд.м³ни, яъни ер усти сувлари – 50,9 млрд.м³, ер ости сувлари – 0,5 млрд.м³, коллектор-дренаж сувларини такрорий ишлатиш – 1,6 млрд.м³ ташкил этмоқда ва уларнинг 80% қўшни давлатларда шаклланади.

Сув ресурсларининг асосий истеъмолчиси қишлоқ хўжалиги, яъни суғорма деҳқончилик (92%) ҳисобланади. Айнан ушбу бўғинда фойдаланилаётган сув ресурсларининг 13,0 млрд.м³ яқини ёки 25%дан ортиғи бевосита далани ўзида йўқолмоқда. Жумладан, республика бўйича жами 405,9 минг гектар майдонда сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган бўлса, уларнинг суғориладиган майдондаги улуши атиги 9,4%ни ташкил қилмоқда холос. Сув ва моддий-техник ресурсларни сезиларли даражада тежовчи энг самарли ҳисобланган томчилатиб суғориш тизими суғориладиган ерларнинг атиги 1,7%да жорий этилган холос.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги тизимини молиялаштириш учун ажратилаётган маблағларнинг давлат бюджети

³⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисобланган.

харажатларидаги улуши – 3,6%, иқтисодиёт тармоқлари харажатларидаги улуши эса 27,5%ни ташкил этмоқда. Шунингдек, республика бюджетидан мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари учун ажратилган маблағларнинг асосий қисми ёки 54,0%и сув хўжалиги тизимини молиялаштириш учун йўналтирилмоқда³⁸.

Сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг асосий кўрсаткичлари динамикаси 2-жадвалда келтирилган ва ундан сув хўжалиги тизимини молиялаштириш миқдори кескин ошган. Бироқ, уларни ЯИМга ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган деҳқончилик маҳсулотларининг умумий қийматига нисбатан таққослаганда аксинча пасайиш тенденцияси эга эканлигини кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг асосий кўрсаткичлари динамикаси³⁹

Асосий кўрсаткичлар	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2019 й.	2019 й.да 2015 й.га нисбатан ўсиш / пасайиш
1. Сув хўжалиги учун ажратилган умумий маблағлар ҳажми, млрд.сўм	11,9	110,7	379,5	1 100,8	2 669,7	5 962,5	501,6 марта
<i>шундан:</i> эксплуатация харажатларига ажратилган маблағлар улуши, %	74,9	80,2	86,8	74,3	68,4	64,5	-10,4
капитал маблағлар улуши, %	25,1	18,1	8,4	14,5	19,7	23,6	-1,5
мелиорация учун ажратилган маблағлар улуши, %	-	1,7	4,8	11,2	11,8	11,9	10,1
ЯИМга нисбатан улуши, %	3,5	3,4	2,4	1,5	1,3	1,2	-2,3
2. Сув хўжалиги эксплуатация харажатлари учун ажратилган маблағлар ҳажми, млрд.сўм	8,9	88,8	329,6	818,3	1 826,7	3 845,1	432,0 марта
<i>шундан:</i> электр энергия харажатлари улуши, %	40,5	47,0	73,2	67,4	65,9	69,9	29,4
бошка эксплуатация харажатлари улуши, %	59,5	53,0	26,8	32,6	34,1	30,1	-29,4
ЯИМга нисбатан улуши, %	2,6	2,7	2,1	1,1	0,9	0,8	-1,9
3. Сув хўжалиги учун ажратилган капитал маблағлари ҳажми, млрд.сўм	3,0	20,0	31,7	159,5	526,6	1 410,0	472,0 марта
ЯИМга нисбатан улуши, %	0,9	0,6	0,2	0,2	0,3	0,3	-0,6
4. Мелиорация учун ажратилган маблағлар ҳажми, млрд.сўм	-	1,9	18,2	123,0	316,3	707,4	372,3 марта
ЯИМга нисбатан улуши, %	-	0,06	0,11	0,17	0,15	0,14	0,08
5. Сув хўжалиги учун ажратилган умумий маблағлар ҳажмининг жами деҳқончилик маҳсулотлари қийматига нисбатан улуши, %	17,0	15,9	11,4	6,1	4,8	5,5	-11,5

³⁸ <https://openbudget.uz/#/>

³⁹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Шунингдек, таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида сув хўжалиги эксплуатация харажатлари таркибида электр энергия харажатлари улуши 40,5%дан 69,9%гача сезиларли даражада ошган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини молиялаштириш ва унинг амалдаги методологик ёндашувлари билан боғлиқ қўйидаги муаммо ва камчиликлар мавжуд:

сув хўжалиги инфратузималарининг эскирганлик даражаси юқорилиги ҳисобига сув йўқолиш даражаси ва сувни етказиб бериш харажатлари сезиларли даражада юқори бўлмоқда;

капитал маблағлар ҳажмининг кескин камайиши ҳисобига сув хўжалиги инфратузилмалари ва ишлаб чиқариш базасининг эскириш даражаси ошиб бормоқда;

сув хўжалиги тизимида доимий молиявий ресурслар танқислиги кузатилмоқда ва мавжуд маблағлардан эса самарасиз фойдаланиш ҳолатлари мавжуд;

сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг амалдаги тартибида сув хўжалигининг бевосита товар муносабатларига боғлиқлиги ва фаолиятининг ўзига хослиги инobatга олинмаган;

сув хўжалиги тизимининг ўзига хос хусусиятларига қарамай, соҳани молиялаштириш тартиби (ВМ-414-сонли Қарори) иқтисодиётнинг бошқа бюджет ташкилотларидан фарқ қилмайди;

сув хўжалиги тизимини молиялаштиришда эксплуатация харажатларини шакллантириш, шунингдек моддий-техник ресурслар нархининг ўзгариши ҳисобига харажатларни индексация қилишда, маблағларга бўлган ҳақиқий талаби инobatга олинмайди;

бугунги кунда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархида сув харажатлари умуман акс этмаган ва бу эса маҳсулотнинг ҳақиқий нархини шаклланмаслигига олиб келади ҳамда нархларни шакллантириш назарияси принципларига тўғри келмайди ва бошқалар.

Кўриниб турибдики, сўнгги йилларда сув хўжалигига киритилаётган маблағлар ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлишига қарамай, ресурс ва энергия сифими юқори бўлган сув хўжалиги инфратузилмаларининг эскириш даражаси юқорилиги ҳамда уларни янгилаш учун етарли даражада бўлмаёпти. Шунингдек, сув хўжалигини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ билан боғлиқ бир қатор ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини молиялаштиришнинг мавжуд тизимини бозор тамойиллари ва механизмлари асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот ишининг «**Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг устувор йўналишлари**» номли тўртинчи бобида Сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш йўналишлари иқтисодий асосланган, суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловнинг бир қисмини қоплаш бўйича

субсидия ажратиш механизми, субсидия миқдори аниқлаш ва субсидия ажратиш тартиби бўйича методологик ёндашув ишлаб чиқилган, агросаноат кластерлари ҳудудида жойлашган сув хўжалиги ташкилоти балансидаги сув хўжалиги активларини концессия шартномаси асосида молиялаштириш бўйича давлат-хусусий шериклик механизми ишлаб чиқилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида янгича ёндашув ва бозор механизмларига асосланган ислохотлар жадаллик билан амалга оширилмоқда. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигида бозор тамойиллари ва механизмларига асосланган таркибий ўзгаришларни амалга оширишни талаб этмоқда. Фикримизча, сув хўжалигидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий бўғини сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги тизими охириги вақтларгача тўлиқ республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган эди ва ушбу тизимга ўзгартиришлар киритиш мамлакатимизнинг янги давлат бюджети ва солиқ сиёсатига бевосита боғлиқ. Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг янги давлат бюджети ва солиқ сиёсати бозор тамойиллари ва механизмлари асосида тубдан қайта кўриб чиқилди. Бу эса сув хўжалиги тизимини молиялаштиришда босқичма-босқич бозор механизмларини жорий этишга туртки берди.


Хусусан, мамлакатимизнинг янги давлат бюджети ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича, тадқиқотимиз натижаларидан келиб чиққан ҳолда, сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатация харажатларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар маҳаллий бюджетлари ва туманлар бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тизимига ўтиш орқали республика бюджети харажатлари юқини камайтириш ва оптималлаштириш таклифи берилди. Бюджет муносабатларидаги ушбу ўзгаришларга бозор механизмлари асосида сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг биринчи босқичи сифатида қараш мумкин. Шунингдек, ушбу таклифимиз янги давлат бюджети ва солиқ сиёсати билан боғлиқ қонун ва ҳукумат қарорларида ўз аксини топди.

Юқорида келтирилган бюджет сиёсати механизмлари натижасида 2019 йилда республика бўйича 3 трлн.сўмга яқин сув хўжалиги эксплуатация харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар маҳаллий бюджетлари ва туманлар бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди, бу эса республика бюджети харажатлари юқини камайтириш ва оптималлаштириш учун асос яратди.

Сув хўжалиги тизимини молиялаштиришни ислох қилишнинг кейинги босқичи бозор механизмларини ўзида кенгроқ қамраб олган. Бунда туман даражасида фаолият юритаётган юридик мақомга эга туман ирригация бўлими, шунингдек, юридик мақомга эга бўлмаган мелиорация ва насос станциялари бўлимлари молиявий-хўжалик фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, уларни ягона юридик ташкилот сифатида бирлаштирган ҳолда

суғориш сувини етказиб бериш харажатларини сув истеъмолчилари томонидан қоплаш тартибини жорий этиш асосида хўжалик ҳисобидаги туман Сув хўжалиги бўлимини ташкил этишни тавсия этамиз.

Шунингдек, туман Сув хўжалиги бўлимининг ташкилий тузилмаси, ташкилот фаолиятини юриштида юзага келадиган молиявий муносабатлари ва молиялаштириш механизмлари ишлаб чиқилди. Ушбу механизм Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида қонунига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини шакллантириш ҳамда ижросини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.



(1) – туман бюджети маблағлари ҳисобидан сув хўжалиги эксплуатация ташкилотини молиялаштириш манбалари; (2) – капитал маблағлар; (3) – сув истеъмолчилари балансидаги насос станцияларининг электр энергия харажатларини субсидиялаш; (4) – сув хўжалиги ташкилоти балансидаги насос станцияларининг электр энергия харажатларини субсидиялаш (2025 йилгача); (5) – суғориш сувини етказиб бериш учун тўловнинг бир қисмини субсидиялаш; (6) – жорий харажатлар ва капитал қурилиш учун банк кредитлари (қисман); (7) – сув тежовчи суғориш технологиялари учун банк кредитлари; (8) – қурилиш, модернизация ва реконструкция қилиш учун хорижий кредит маблағлари ва инвестициялар (қисман); (9) – суғориш сувини етказиб бериш хизматлари учун тўлов; (10) – туман сув хўжалиги бўлимининг жамғарма фонди маблағлари.

5-расм. Туман сув хўжалиги бўлимининг молиявий муносабатлари ва молиялаштириш механизмлари⁴⁰

Туман сув хўжалиги бўлимини молиялаштириш манбалари асосан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектлари томонидан тўланадиган суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов ва ушбу тўловнинг бир қисмини қоплаш учун ажратиладиган субсидиялар,

⁴⁰ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

шунингдек, томорқа хўжаликлари томонидан тўланадиган суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов ҳисобланади. Шунингдек, жорий харажатлар ва капитал қурилиш учун банк кредитлари ҳамда қурилиш, модернизация ва реконструкция қилиш учун хорижий кредит маблағлари ва инвестицияларни жалб қилиш мумкин (5-расм).

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловнинг жорий қилиниши қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектларнинг маҳсулот етиштириш харажатларини ошишига (асосан пахта ва ғалла), олинадиган фойда ва рентабеллик даражасини пасайишига олиб келади. Бундай шароитда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектларнинг тўлов қобилиятини ошириш ва уларни моддий рағбатлантириш мақсадида суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловнинг бир қисмини қоплаш бўйича субсидия ажратиш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Шу нуқтаи назардан, тадқиқотда суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловнинг бир қисмини қоплаш бўйича субсидия ажратиш механизми, субсидия миқдорини аниқлаш ва субсидия ажратиш тартиби бўйича методологик ёндашув ишлаб чиқилган. Таклиф этилаётган механизмнинг энг муҳим иқтисодий ғояси бу сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари билан сув истеъмолчилари ўртасида самарали молиявий муносабатларни ўрнатиш ҳисобланади.

Сув истеъмолчиларига суғориш сувини етказиб бериш хизматлари учун тўловнинг бир қисмини қоплаш бўйича субсидия миқдори қуйидаги формула билан аниқланади:

$$S_{IW} = V_{IW_{act}} \times \omega_{IW_{g,m}} \times S_{act}^V \quad (16)$$

бу ерда: S_{IW} – ҳақиқатда олинган суғориш суви учун субсидия миқдори, минг сўм;

$V_{IW_{act}}$ – ҳақиқатда олинган суғориш суви ҳажми, м³;

$\omega_{IW_{g,m}}$ – суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов, сўм/м³;


S_{act}^V – ҳақиқатда ажратиладиган субсидия миқдори улуши, %.

Сув истеъмолчиларига суғориш сувини етказиб бериш хизматлари учун тўловнинг бир қисмини қоплаш бўйича субсидия ажратиш тартиби қуйидагича:

Тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатлари, даромадлари, фойдаси ва рентабеллик даражаси ҳамда ушбу кўрсаткичларга суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловнинг таъсири даражасини баҳолаган ҳолда таҳлил қилинган. Ҳисоб-китобларга қараганда, суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловни (оқар ва насос орқали сув етказиб бериш биргаликда) жорий қилиш пахта-ғаллачиликка ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулот етиштиришдан оладиган ўртача

фойдаси – 13,9%га ва мева-сабзавотчиликка ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулот етиштиришдан оладиган ўртача фойдаси – 4,7%га камайиши кузатилмоқда.

Ушбу ҳисоб-китоблар асосида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектларнинг маҳсулот етиштиришдан оладиган фойдасидаги йўқотишларни қоплаш мақсадида субсидия меъёрий даражаси (S_{norm}^V) ҳақиқатда олинган суғориш суви ҳажмининг белгиланган суғориш меъёрига ($\sum_{i=1}^n M$) нисбатан пахта ва донли экинлар (шолидан ташқари) учун – 15,0%, мева-сабзавот ва бошқа экинлар (картошка, сабзавот, полиз, мева ва узум) учун – 5,0%, шоли етиштиришда суғориш сувининг катта ҳажмда талаб этилишини инобатга олган ҳолда – 50% белгилашни тавсия этамиз (6-расм).



6-расм. Ҳақиқатда олинган сувнинг ишлатилишига қараб субсидия ажратиш тартиби⁴¹

Жумладан, тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда сув сарфини камайтириш мақсадида замонавий сув тежовчи суғориш технологияларидан фойдаланилмоқда, жумладан, томчилатиб суғориш усулини қўллаш пахта етиштириш учун ишлатиладиган мавсумий сув ҳажмини 40%гача, мева ва сабзавот етиштириш эса 60%гача тежалишига олиб келиши мумкин⁴². Ушбу тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб, пахта ва ғалла экинларини суғориш меъёрига нисбатан ҳақиқатда олинган суғориш суви ҳажми максимал

⁴¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

⁴² Маматов С.А. Томчилатиб суғориш тизими / САНИИРИ, МЧЖ «Мехридарё», Ташкент, 2012 – Б.79., Ёрова Б. Исследование и оценка бороздкового и капельного способов орошения хлопчатника в условиях Центрального Таджикистана. Душанбе, 2015 – стр.38.

40%га, мева-сабзавот ва бошқа экинлар максимал 60%гача камайиши асос қилиб олинди. Демак, агар ҳақиқатда олинган суғориш суви ҳажми ($V_{IW_{act}}$) ушбу экин турлари бўйича белгиланган суғориш меъёрига ($\sum_{i=1}^n M$) тенг бўлса, ҳақиқатда ажратиладиган субсидия миқдори улуши (S_{act}^V) тавсия этилган субсидия меъёрий даражасига (S_{norm}^V) тенг бўлади:

$$V_{IW_{act}} = \sum_{i=1}^n M \text{ бўлса, } S_{act}^V = S_{norm}^V \quad (17)$$

Ушбу тартибга кўра, агар ҳақиқатда олинган суғориш суви ҳажми ($V_{IW_{act}}$) экинларнинг суғориш меъёрига ($\sum_{i=1}^n M$) нисбатан камайса, ҳақиқатда ажратиладиган субсидия миқдори улуши (S_{act}^V) субсидия меъёрий даражасига (S_{norm}^V) нисбатан мос равишда ошади:

$$V_{IW_{act}} < \sum_{i=1}^n M + \left(\frac{\sum_{i=1}^n M \times P_i}{100} \right); S_j = S_{norm} + (S_{norm} \times P_j) \quad (18)$$

бу ерда: $P_i = 1, 2, \dots, 60$ – ҳақиқатда олинган суғориш суви ҳажмининг экинларнинг суғориш меъёрига нисбатан ортиқча ёки камлиги, %;

$P_j = 1, 2, \dots, 65$ – ҳақиқатда ажратиладиган субсидия миқдорининг субсидия меъёрий даражасига нисбатан мос равишда ошиши ёки камайиши, %.

Ва аксинча, агар ҳақиқатда олинган суғориш суви ҳажми ($V_{IW_{act}}$) экинларнинг суғориш меъёрига ($\sum_{i=1}^n M$) нисбатан ошса, ҳақиқатда ажратиладиган субсидия миқдори улуши (S_{act}^V) меъёрий даражасига (S_{norm}^V) нисбатан мос равишда пасаяди:

$$V_{IW_{act}} > \sum_{i=1}^n M + \left(\frac{\sum_{i=1}^n M \times P_i}{100} \right); S_j = S_{norm} - (S_{norm} \times P_j) \quad (19)$$


Қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш меъёрига нисбатан сувнинг тежалиши ёки исроф қилиниши, меъёрий субсидиялар даражаси ва уларнинг ўзгариши бўйича Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида фаолият юритаётган пахта-ғаллачиликка ва мева-сабзавотчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектлар ўртасида сўровнома олиб борилди.

Сўровнома натижалари шуни кўрсатмоқдаки, таклиф этилаётган механизм асосида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектлар учун суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловнинг бир қисмини қоплаш

бўйича субсидия ажратилиши сув тежовчи суғориш технологияларидан самарали фойдаланиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектларда пахта етиштириш бўйича ҳақиқатда ишлатилган сув ҳажми экинлар суғориш меъёрига нисбатан 20%дан ортиқ, мева етиштириш бўйича – 40%гача ва сабзаёт етиштириш бўйича – 30%дан ортиқ тежаш имкониятини яратган.

Жумладан, ишда маҳаллий ҳокимлик органлари, молия муассасалари ва сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларидаги бюрократик тўсиқларини янада қисқартириш, бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловнинг бир қисми ва сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича ажратиладиган субсидиялардан эркин ва самарали фойдаланиш мақсадида субсидияларни ажратиш бўйича ягона электрон тизимни яратиш таклифи берилган.

Шунингдек, тадқиқот ишида сув хўжалиги тизимини молиялаштириш бўйича хорижий давлатларда қўлланилаётган самарали давлат-хусусий шериклик моделларнинг ижобий жиҳатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги тизимини молиялаштириш ва суғорма деҳқончилик амалиётининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда агросаноат кластерлари ҳудудидаги сув хўжалиги ташкилоти балансидаги сув хўжалиги активларини концессия шартномаси асосида молиялаштириш бўйича давлат-хусусий шериклик механизми ҳамда унинг умумий тузилиши, ҳуқуқий ва молиявий асослари ишлаб чиқилган (7-расм).



7-расм. Сув хўжалиги активларини молиялаштириш бўйича давлат-хусусий шериклик механизмининг ҳуқуқий ва молиявий асослари⁴³

⁴³ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу механизмнинг Фарғона вилоятининг Қўштепа туманида фаолият юритаётган «Fergana Global Textile» МЧЖ агросаноат кластерида жорий қилиниши натижасида агросаноат кластери худудида жойлашган Сирдарё-Сўх ИТХБ хузуридаги Мелиорация экспедицияси балансидаги 80 та кузатув ҳамда Насос станциялари ва энергетика бошқармаси балансидаги 32 та вертикал дренаж кудуқлардан фойдаланиш ҳуқуқи концессия шартномаси асосида кластерга берилиши ҳисобига 2019 йилда кудуқларни жиҳозлаш, қайта ўрнатиш ва электр энергия харажатлари кластер томонидан қопланиши ҳисобига 845,1 млн.сўмлик вилоят маҳаллий бюджети маблағлари тежалган ва Сирдарё-Сўх ИТХБ хузуридаги Мелиорация экспедицияси ҳамда Насос станциялари ва энергетика бошқармаси эксплуатация харажатлари 15,8 фоизга қисқарган.

Демак, қишлоқ хўжалигида бозор принциплари ва механизмларига асосланган хўжалик юритувчи субъектларнинг шаклланиши, юқорида таклиф этилган механизмлар асосида сув хўжалиги активларини бошқариш ва молиялаштиришни босқичма-босқич сув истеъмолчиларига берилиши сув хўжалиги тизимини молиялаштириш тартибининг тубдан ўзгаришига ва соҳага ажратилаётган бюджет маблағлари миқдорининг сезиларли камайиши ва улардан оқилона фойдаланишга иқтисодий асос бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Диссертация тадқиқоти доирасида олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Бозор механизмлари асосида сув хўжалиги тизимини молиялаштириш мамлакатда камбағалликни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва суғорма деҳқончиликда иқтисодий самарадорликни таъминлаш ва экологик мувозанатни яхшилашнинг энг таъсирчан воситаси эканлиги илмий ва иқтисодий жиҳатдан очиб берилган.

2. Молиянинг классик назарияси самарали воситалари уйғунлигида устуворликни неоклассик назария механизмлари ва воситаларига бериш билан боғлиқ молиялаштиришнинг бозор механизмлари ва рағбатлантирувчи воситалари мажмуига асосланган ҳолда сув хўжалиги тизимини молиялаштириш тушунчасига муаллифлик таърифи берилган ҳамда унинг илмий ва иқтисодий таснифи ишлаб чиқилган.

3. Давлат ва хусусий шерикнинг аниқ муддатга юридик расмийлаштирилган ўзаро самарали ҳамкорлигига асосланган сув хўжалигининг инфратузиламавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қуриш, эксплуатация қилиш, молиялаштириш учун хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурсларни бирлаштириш ва хавф-хатарларни тақсимлаш механизмига асосланган ҳолда сув хўжалиги тизимини давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш тушунчаси бўйича муаллифлик таърифи берилган.

4. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловлар механизмини жорий қилиш бу улкан салоҳиятга эга бўлган, деярли фойдаланилмаган ва сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатация харажатларни қоплаш учун ягона барқарор молиявий маблағлар манбаи ҳисобланади. Тўловлар механизми республика бюджети харажатлари юқини камайтириш ва оптималлаштириш, сув хўжалиги ташкилотлари молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланишга имкон яратади.

5. Сув хўжалиги ташкилотининг меъёрий эксплуатация харажатлари ва фойдасини жами иқтисодиёт тармоқларида ишлатилаётган сувнинг ўртача арифметик ҳажми ва суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициенти нисбатидан келиб чиқадиган абсолют миқдор сифатида сув тарифига муаллифлик таърифи келтирилган. Сув тарифи алоҳида оқар сув ва насос орқали етказиб бериш усуллари бўйича барча иқтисодиёт тармоқлари учун ягона белгиланиши тавсия этилган.

6. Сув тарифи негизида ерларнинг тупроқ бонитет балли ва ундан келиб чиқувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг меъёрий фойдаси, сув истеъмолчисининг сув олиш бош нуқтасига нисбатан жойлашуви, сувнинг минераллашув даражаси кўрсаткичларига асосланган абсолют миқдор сифатида суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловга муаллифлик таърифи келтирилган. Тўлов миқдори ҳақиқатда олинган суғориш суви ҳажми ва ҳақиқатда суғорилган майдон учун оқар сув ва насос орқали етказиб бериш усуллари бўйича алоҳида аниқланиши тавсия этилган.

7. Сув тарифи ва суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдорини аниқлаш методологиясини амалиётда жорий этиш республика бюджети харажатларини оптималлаштириш, сув хўжалиги ташкилотлари томонидан сув истеъмолчиларига сифатли хизмат кўрсатиш, суғориш сувини сезиларли даражада тежаш, сув тежовчи суғориш технологиялари жорий қилишни рағбатлантиради, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳақиқий таннархи шаклланиши ва унинг шаффофлигини таъминлашга эришиш иқтисодий асос бўлади.

8. Сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация харажатларини республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар маҳаллий бюджетлари ва туман бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тизимига ўтиши республика бюджети харажатлари юқини камайтириш билан бир қаторда, вилоятлар маҳаллий бюджетлари ва туманлар бюджетларини шакллантириш ҳам ижросини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга имкон берган.

9. Тадқиқот натижалари асосида таклиф этилаётган хўжалик ҳисобидаги сув хўжалиги ташкилотини амалиётда ташкил этиш республика бюджети маблағлари ҳажмини камайтириш ва улардан самарали фойдаланиш, сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларини молиявий мустақил ташкилот сифатида ривожлантириш, сув истеъмолчилари ўртасида молиявий-

иқтисодий муносабатларни шакллантириш имкони яратилиши иқтисодий асосланган.

10. Сув истеъмолчиларига ҳақиқатда олган сув ҳажмининг экинларнинг суғориш меъёрига нисбатан ишлатганлик даражасига қараб суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловнинг бир қисмини қоплаш бўйича туман бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия ажратиш механизми, шунингдек субсидия миқдорини аниқлаш ва субсидия ажратиш тартиби бўйича методологик ёндашув ишлаб чиқилган ва субсидияларни ажратиш бўйича ягона электрон тизимни жорий этиш таклиф этилган.

11. Агросаноат кластерлари ҳудудида жойлашган сув хўжалиги ташкилоти балансидаги сув хўжалиги активларини концессия шартномаси асосида молиялаштириш бўйича давлат-хусусий шериклик механизми ҳамда унинг умумий тузилиши, ҳуқуқий ва молиявий асослари ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/10.12.2019.I.16.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МУМИНОВ ШЕРЗОД ХОЛМИРЗАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ФИНАНСИРОВАНИЯ
СИСТЕМЫ ВОДНОГО ХОЗЯЙСТВА НА ОСНОВЕ РЫНОЧНЫХ
МЕХАНИЗМОВ**

08.00.07–Финансы, денежное обращение и кредит (экономические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ
докторской диссертации (DSC) по экономическим наукам**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.2.DSc/Iqt244.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-сайте Научного совета (www.tsue.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный консультант: **Бурханов Ақтам Усманович**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Гулямов Саидахрор Саидахмедович**
доктор экономических наук, академик

Олимжонов Одил Олимович
доктор экономических наук, профессор

Тошмуродова Бувсара Эгамовна
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация: **Министерство водного хозяйства**
Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в _____ ч. на заседании научного совета DSc.03/10.12.2019.I.16.01. по присуждению ученой степени при Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100003, город Ташкент, улица Ислама Каримова, дом 49. Тел.: (99871) 239-28-71, факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tsue@tsue.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (регистрационный № _____) Адрес: 100003, город Ташкент, улица Ислама Каримова, дом 49. Тел.: (99871) 239-28-71, факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tsue@tsue.uz.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2020 года.

(протокол реестра № _____ от «_____» _____ 2020 года).

Н.Х. Жумаев

Председатель научного совета по присуждению ученой степени, д.э.н., профессор

У.В. Гафуров

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученой степени, д.э.н., профессор

С.К. Худойкулов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученой степени, д.э.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации) (DSc)

Актуальность и значимость темы диссертации. В мировом масштабе уровень использования воды, начиная с 1980 года, ежегодно растет примерно на 1%. Ожидается, что такая тенденция сохранится до 2050 года, а это на 20-30% выше существующего уровня¹. В настоящее время 70% используемых водных ресурсов в мире приходится на сельское хозяйство, а в государствах засушливых регионов этот показатель достигает 90% и больше². При таких условиях политика управления и финансирования системы водного хозяйства в развивающихся странах не может стать инструментом сокращения бедности, обеспечения продовольственной безопасности и экономической заинтересованности в сельском хозяйстве а, напротив, приводит к ухудшению экологического равновесия³. Это свидетельствует о том, что наряду с государственными стимулирующими средствами, призванными обеспечить эффективное управление и устойчивое финансирование системы водного хозяйства, необходимо широко внедрять рыночные механизмы. Расчеты показывают, что в мировом масштабе для общей системы водного хозяйства до 2050 года потребуется 22,6 трлн. долларов США⁴, а непосредственно для улучшения и расширения ирригационной системы только в развивающихся странах, потребуются средства в размере 960 млрд. долларов США⁵.

На сегодняшний день, наряду с финансированием системы водного хозяйства за счет государственного бюджета, в мире проводятся широкомасштабные научно-исследовательские работы, направленные на совершенствование финансово-экономических основ покрытия расходов водохозяйственных организаций со стороны водопотребителей, привлечение частного капитала для финансирования сферы и внедрение в практику механизмов финансирования водохозяйственных активов со стороны частного сектора. При этом отдельное внимание обращается на разработку приоритетных направлений финансирования на основе государственно-частного партнерства, а также рыночных механизмов покрытия затрат системы водного хозяйства на основе подхода по формированию цепи добавленной стоимости в орошаемом земледелии. В частности, соответствующими указами и постановлениями Президента Республики Узбекистан, особое внимание уделяется поэтапному внедрению рыночных

¹ Burek P., Satoh Y., Fischer G., Kahil MT., Scherzer A., Tramberend S., Nava LF., Wada Y. Et al. 2016. Water Futures and Solution – Fast Track Initiative (Final Report). IIASA Working Paper. IIASA, Laxenburg, Austria: WP-16-006. P. 88.

² WWAP (UNESCO World Water Assessment Programme). 2019. The United Nations World Water Development Report 2019: Leaving No One Behind. Paris, UNESCO. ISBN 978-92-3-100309-7. P. 202.

³ Gurria A., Hofwegen P. Task Force on Financing Water For All - Report 1. Enhancing Access To Finance For Local Governements - Financing Water For Agriculture. World Water Council. 2006. ISBN: 92-95017-12-9. P. 61.

⁴ Winpenny J. Water: Fit to Finance? Catalyzing National Growth through Investment in Water Security, report of the High Level Panel on Financing Infrastructure for a Water-Secure World. World Water Council. 2015. P. 127.

⁵ Schmidhuber J., Bruinsma J. & Boedeker G. Capital requirements for developing countries' agriculture to 2050, FAO, Rome. 2009. P.21.

механизмов финансирования системы водного хозяйства⁶. Между тем, исследования, связанные с определением стоимости оросительной воды в системе водного хозяйства, установлением тарифов, а также процессами формирования критериев и инструментов их внедрения, изыскания, связанные с привлечением частного сектора в финансирование сферы, осуществляются авторитетными международными организациями и научно-исследовательскими институтами, а результаты исследований эффективно внедряются на практике.

Водное хозяйство страны является важным звеном, решающим вопросы стабильного обеспечения населения чистой питьевой водой, удовлетворения потребностей в воде промышленности, которое развивается ускоренными темпами и призвано повышать заинтересованность в сельском хозяйстве. В Стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы детально определены важные вопросы, такие как: «обеспечение сбалансированности Государственного бюджета на всех уровнях с сохранением социальной направленности расходов, совершенствование межбюджетных отношений, направленное на укрепление доходной части местных бюджетов», а также «дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»⁷. Эффективное выполнение данных задач требует коренного совершенствования порядка финансирования системы водного хозяйства Республики Узбекистан на основе рыночных принципов и механизмов.

Данная диссертация в определенной степени служит выполнению задач, сформированных в Указах Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947, «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики» от 2 марта 2020 года № УП-5953, «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» от 17 июня 2019 года № УП-5742, в Постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления водными ресурсами» от 9 октября 2019 года № ПП-4486 и других нормативно-правовых документах в данной сфере.

⁶ Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления водными ресурсами» от 9 октября 2019 года № ПП-4486. www.lex.uz

⁷ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947. www.lex.uz

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I: «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁸. Ведущими мировыми научными центрами и высшими образовательными учреждениями ведутся научные исследования по вопросам финансирования системы водного хозяйства на основе рыночных механизмов. В частности, данные исследования осуществляются такими именитыми институтами, как: The Hebrew University of Jerusalem (Израиль), The University of California (США), The University of Minnesota (США), New Mexico State University (США), Cranfield University (Великобритания), Institut de Recherche pour le Développement (Франция), «Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики» (Россия), Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Республика Узбекистан), Ташкентский государственный экономический университет (Республика Узбекистан).

В мировых научных исследованиях по вопросам финансирования системы водного хозяйства на основе рыночных механизмов, получены следующие научные результаты: обоснованы научно-методологические основы определения стоимости оросительной воды и ее доставки, потребностей в воде в отраслях экономики (The Hebrew University of Jerusalem, Израиль); обоснованы экономические инструменты повышения эффективности использования воды, уменьшение операционных затрат водохозяйственных организаций, формирование рынка воды через предоставление права собственности на воду (The University of California, США); обоснован уровень привлекательности инвестиций в водохозяйственный активы, субсидирование, определение права на воду, подходы рыночных механизмов при определении цен на оросительную воду (New Mexico State University, США); обосновано, что самым важным экономическим инструментом эффективного финансирования активов и системы водного хозяйства являются платежи за доставку воды, цена и стоимость воды (Institut de Recherche pour le Développement, Франция); обоснованы механизмы субсидирования водопотребителей с низкой платежеспособностью и влияние размера тарифа на воду при внедрении водосберегающих технологий («Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики», Россия); обоснованы механизмы

⁸ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации проведен на основе данных веб-страниц: <https://www.un-ihe.org/>; <https://unesco.org/>; <https://www.nmsu.edu/>; <https://www.gwp.org/>; <http://www.fao.org/>; <https://www.iwmi.cgiar.org/>; <https://www.iscte-iul.pt/>; <http://www.uva.es/>; <https://www.worldwatercouncil.org/>; <https://www.worldbank.org/>; <https://water.org/>; <https://iwa-network.org/>; <https://www.ers.usda.gov/>; <https://new.huji.ac.il/>; <https://www.universityofcalifornia.edu/>; <https://twin-cities.umn.edu/>; <http://www.uco.es/>; <http://www.caas.cn/en/>; <https://oregonstate.edu/>; <http://lmi-oce.org/>; <http://www.rosniipm.ru/>; <https://www.hse.ru/>; <https://www.cranfield.ac.uk/>; <https://www.oecd.org/water/>; <https://icid.org/>.

модернизации и строительство водохозяйственной инфраструктуры на основе государственно-частного партнерства (Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, Республика Узбекистан).

В мировом масштабе проводится ряд исследований, направленных на совершенствование методологических, научно-теоретических, методических и практических основ финансирования системы водного хозяйства на основе рыночных механизмов. В том числе по следующим приоритетным направлениям: определение стоимости, тарифов, цен на оросительную воду и платы за услуги по доставке оросительной воды, а также эффективности финансирования системы водного хозяйства путем их внедрения; формирование рынков воды путем предоставления прав собственности на воду; совершенствование механизма субсидирования внедрения водосберегающих технологий, а также стоимости оросительной воды и ее доставки; разработка механизмов и моделей финансирования отрасли на основе государственно-частного партнерства; разработка механизма и порядка предоставления частному сектору финансирования и управления водохозяйственных активов.

